

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**«Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси.**

**Мавзу: География дарсларини самарадорлигини оширишда метод  
бирлашмаларни ахамияти.**

**Тузувчи: «Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси катта  
ўқитувчиси Бектурди Мадаминов**

**Урганч 2006 йил**

**Табиий ва аниқ фанлар таълими кафедрасининг 2006 йил \_\_\_\_ ноябр ой  
йиғилишида муҳокама қилинди ва институт илмий кенгашига тавсия қилинди.**

**ВПКҚТМОИ нинг \_\_\_\_\_ 2006 йил илмий кенгашида муҳокама қилинди в  
чоп этишга тавсия этилди.**

**Тузувчи: «Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси катта  
ўқитувчиси Бектурди Мадаминов**

**Такризчилар: Биология фани катта ўқитувчиси Б Тахирова  
Физика фани номзоди З. Ёқубова  
Урганч шаҳар ХТБ методий Х. Ахмедова.**

**МАЛАКА ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ. МАЛАКА  
ОШИРИШ ВА МЕТОД БИРЛАШМА ФАОЛИЯТИНИ УЙЎНЛАШТИРИШ.**

**М.О.нинг самарали тизimini яратиш мактаб таълимини ривожлантириш  
Давлат умуммиллий дастурида қўйилган асосий вазифалардан биридир. Мазкур  
тизимни яратишда педагогнинг малака оширишдан қайтгандан сўнги фаолиятини  
тўғри уюштириш муҳим ўрин тутди. Педагог малака ошириш курсидан қайтга  
курс давомида олган билимларини амалда қўллай олса ҳамкасбларига ўргатс  
малака ошириш самарадорлиги юқори бўлади.**

**Малака ошириб қайтган педагогнинг курсдан кейин самарали фаолиятини  
кўрсатишда метод бирлашмалар муҳим ўрин тутди. Унда ҳар бир ўқитувчи ў  
имкониятларини намоён этиш фикр мулохазаларини ҳамкасблари билан  
ўртоқлашиши, муносабатларини эшитиш мумкин бўлади. Метод бирлашмадаги  
ишлар УЎТ мактаби фан методика бирлашмалари тўғрисида низом асосида оли  
борилади.**

Низомга мувофиқ метод бирлашма аъзолари эҳтиёжга қараб илғор тажрибаларни кузатадилар, таҳлил қиладилар. Ўз соҳалари бўйича педагогик амалиётдаги илғор янгиликларни жамоа бўлиб ўрганадилар. Маслаҳатлашадилар тадбирлар белгилайдилар. Жамоа бўлиб ўқиб ўрганадилар ижод қиладилар.

Баъзи мутахасислар фан методбирлашмаларини мактаб ичидаги кичик институт, ёки метод академия деб айтишадилар. Фақат бу академияда малака ошириш, узлуксиз, мунтазам йил давомида фаолия юритадиган жараёнدير. Илғор мактабларда иш фаолияти М.ОИ таълим марказлари билан муқобиллашган тарзда ташкил қилинади.

Шунингдек метод бирлашма аъзоси ўзинг шахсий малака ошириш дастурини ёки ижодий иш режасига эга бўлиши керак ва бу малака оширишда муҳим ўрин тутати. Аслида бу дастур ўқитувчининг малака оширишга шахсий буюрмасидир. Чунки шахсий дастурда ўзи билмайдиган ёки ўзи қизиқадиган мавзуларни ифодалайди. Метод бирлашма аъзолари мазкур дастурда мактаб муаммосидан ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда айрим масалаларни қўшадилар ва тўлдирадилар.

Методи бирлашмада ҳисобот тинглаш ва семинарлар ташкил этиш.

Барча мактабларда малака оширишдан қайтган ўқитувчини ҳисоботи тингланади. Ҳисобот методбирлашмада ёки методик йиғилишда эшитилади. Янгиликлар баён этилади. Кейинги фаолият муҳокама қилинади унга тегишли ўзгартиришлар киритилади, тасдиқланади.

Ўқитувчиларнинг саволларига жавоб берилади. Баъзи мактабларда очик дарслар ва тренинглар ҳамда семинарлар ташкил этилади. Семинар – мактаб жамоаси иштирокида ёки туманда бошқа мактаблардан ўқитувчилар таклиф этилади.

Метод бирлашмада ҳисобот тинглаш ва семинарлар ташкил этишга олдиндан тайёрланади. Метод биллашмадаги энг илғор тажрибали ўқитувчининг тажрибаси асосида семинар ташкил этилади. тажрибали ўқитувчи семинарга алоҳида тайёрланади кўргазмалар, адабиётлар, карталар, суратларни олдиндан синф хонасига осиб қўйилади. Семинар ҳақидаги эълон бир ҳафта олдин осиб қўйилади.

Семинардан мақсад яратилган илғор тажрибани ўрганиш, тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш ва оммалаштиришдан иборат бўлади.

Семинарда иштирок этганлар тажрибани ижобий томонлари билан танишадилар, ундан фойдаланиш йўлларини ўрганадилар. Семинардан сўнг тажрибани татбиқ этиш йўллари изланади.

Кейинга вақтда методбирлашма фаолиятида семинар тренинг каби янги услублар пайдо бўлди. Бу услублар инновацион услублар бўлиб, тайёрланиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилади.

#### Илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш

Илғор тажрибаларни ўрганишни ташкли қилишни қатор шакллари бор. Булар очик дарслари дарс тахлилида қатнашиш, плакатлар, китобчалар чиқариш, методик мақолалар чиқариш видеотасвирга тушириш, ижодий хисоботлар ташкил этиш, тажриба ўрганишни ташкил этиш.

Кейинги даврда имкониятига қараб видеофилмлар яратилипти ва баъзи жараёнлар видеотасмага туширилиб бошқа мактабларда намойиш этиляпти.

Мактабда ўқиш йили бошидаги методбирлашмада педагогик хамкорлик ғоялари акс этган қуйидаги йўналишлар ишлаб чиқилши мумкин.

Булар:

- Инсонпарварликка асосланган мажбур қилмасдан, онгли тарзда ва эркин ўқиш жараёнини шакллантириш.

- Ўқувчида мувафоқият қозонишга бўлган ишончи тарбияланади ва ўзига ишонч хосил қилади.

Ўқишга ўрганиш, ўзини ортда қолаётганини хис этиш ва уни бартараф этишга интилиш жараёнини яратиш. Ушбу йўналишлар билан танишган ўқитувчилар ўз фаолиятида тегишли тадбирларни белгилайдилар. Жумладан хамкорлик педагогикасига тегишли адабиётлар йиғадилар тажрибаларни ўрганадилар, таълим жараёнига татбиқ этадилар, янги тажрибалар яратадилар бу тизим узлуксиз давом этади такомиллашади.

#### Метод бирлашма йиғилишларида услубий марузалар тинглаш.

Бунда бирлашма аъзолари аввалдан режалаштирилган ёки кундалик эҳтиёж ўрнига танланган мавзуларда марузалар тайёрлайдилар ва бирлашма йиғилишларида марузалар тингланиб муҳокама қилинади. Бирлашма йиғилиши бу марузаларни янгидан ишлаб пишитиш учун қайтариши уни туман методика хонаси қошидаги методик уюшмага, шуба йиғилишларига тавсия қилиши мумкин. Уюшма шуба йиғилишлари эса ўқитувчининг марузасини вилоят пед ўқишлари дастурига киритишга, алохида тажриба сифатида чоп этишга тавсия этади. маруза тайёрлаш ўқитувчига танланган мавзу бўйича ўзининг мулохазаларини бир тизимга солиш, шу йўналишидаги фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Бирлашма аъзолари ўзлари яратган дарс сценарийлари, ишланмалари кўрғазмали қуроллар, тестлар ва бошқа методик махсулотларни бирлашмадаги

касбдошлари, муҳокамасига қўйдилар. Бирлашма мазкур материалларни чоп этишда, ёйишда муаллифга тегишли ёрдамни кўрсатади ва методик маҳсулотлар методбирлашма томонидан танловга ҳам тавсия этилади.

Баъзи мактабларда методик марузалари ҳар йили янгилаб туриш тавсия этилади: Бундан мақсад ўқитувчилар ҳар йили янги мавзуларни устида ижодий ишлаши кўзда тутилади. Шу билан бирга методик мавзулар танлаб олиниб, бир неча йил давомида тажриба тўплаб янгилик киритиш тавсия этилади. Бунда марузалар мазмуни такомиллашади, мазмун кенгаяди.

#### **Намунали ва очик дарслар ташкил этиш.**

Бирлашма режа асосида аъзоларнинг намунали ва очик дарсларини ташкил этади. одатда аввалдан эълон берилади ва бундай дарсларга мактаб раҳбарлари метод бирлашма азолари, хохловчилар таклиф этилади. Дардан сўнг дарсни батафсил тахлили ўтказилиб, ҳар бир киши дарс ҳақидаги ўз мулоҳазасини эркин айтади ва умумий хулосага келинади. Бундан бирлашма азолари ҳам, очик дарс ўтиб берган педагог ҳам бирдай наф кўради.

Бирлашма маълум тартиб асосида аъзолар ўртасида, ўзаро дарсга киришни йўлга қўяди. Одатда тажрибали ўқитувчилар нисбатан тажрибасиз ўқитувчилар дарсига кириб тахлил асосида тегишли методик ёрдам кўрсатадилар. Ёш ўқитувчилар тажрибали ўқитувчиларни тажрибасини ўрганадилар.

Баъзан бирлашма аъзолари шу фанни ўқитилишини ахволи, жумладан рейтинг тизимини жорий этилиши муаммолари ёки бошқа муаммоларни ечимини топиш ва ахволини ўрганиш мақсадида ҳам дарс тахлил қиладилар.

Метод бирлашма фаолиятида кейинги йилларда анжуманлар, семинарлар бир қаторда тренинг ўқувлар ўтказиш шакллари пайдо бўлди. Метод бирлашма ноананавий дарс усулини ўз азоларига ўргатиш мақсадида раҳбарият билан келишган ҳолда тренинг ўқувлар ҳам ташкил этади. бундай ўқувни ўтказувчи тренер мактабнинг ўзидан бўлиши ёки четдан таклиф қилиниши мумкин. Тренинг ўқув шароит ва эҳтиёждан келиб чиқиб турли муддатларда ўтказилиши мумкин. Тренинг ўқувчларида турли дарс намуналаридан мисолларни этиборингизга ҳавола қиламиз.

А)Мижозлар бўйича – ролли ўйин мижозлар хусусиятлари ёзилган қоғозлар конвертларга жойланган ҳар бир гуруҳ турли характерда бўлган ўқувчилар характерларини такрорлайди. Ўқитувчи уларга турли саволлар беради. Жумладан Африка нима учун иссиқ? Турли характердаги ўқувчилар ҳаёлларига келган жавоб берадилар. Ўйиндан мақсад ҳар бир ўқувчини билимини ва қизиқишини аниқлаш.

**Б) Ақлий хужум ўтказиш қоидалари.**

1. Ақлий хужум давомида ижтирокчиларга танқид қилиш, салбий гапларни айтиш тақиқланади. Чунки танқид инсон фикрини жамлашга халақит беради, уни чалғитади.

Айтилган барча фикрлар қўллаб қувватланади.

2. Қисқа вақтда кўпроқ ғоялар йиғиб олиш керак. Бунинг учун ғоялар жуда шиддатли оқим билан ёғиши керак. Ўз-ўзидан келиб чиқадиган фикрлар ўганилганда инсонда рационал филтр бўлади. Ушбу ҳолатни йўқотмаслик учун, ақлий хужумга ўтиш йўлида келиб чиқадиган муаммоларни енгиб ўтиш лозим.

**В) Кластер усули – бу ғоялар ва саволлар ахборотлар харитасини тузиш усулидир. Ноананавий усулларни ўтказиш қоидалари**

- Ўзаро ҳурмат
- Самимийлик
- Шахсни танқид қилмаслик
- Очиқ эркин фикр
- Ҳазил мутойиба
- Фикрларни ўзига қабул қилиш

**Мониторинг натижаларини муҳокама қилиш**

Ўқув йилининг ҳар чораги яқунлари методбирлашмаларда муҳокама қилинади ва мониторинг натижалари таҳлил этилиб, ўқув жараёнини олиб бориш амалиётига у ёки бу ўзгариш критиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бу вазифа ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизимини жорий этишда айниқса асқотади. Рейтинг тизими низомига кўра ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси ва ДТСлари талабларини бажариши мониторинги аниқланади. Бунда чарак давомида ўргатилган билим кўникма ва малака тушунчаларини қанчаси ўрганилганлиги аниқланади. Ёки ДТСлари ўқувчилар билим савиясини минимал даражасини қанчаси ўрганилганлиги аниқланади. Метод бирлашма аъзолари ушбу натижаларни ўрганадилар ва тегишли амалий тадбирлар белгилайдилар. Натижаларни яхшилаш чорасини кўрадилар.

Таянч мактабларида ёш педагогларни тажрибали ўқитувчиларга шогирд қилиб беркитиб қўйиш билан ҳам метод бирлашмалар шуғулланади чунки бирор фан мутахасиси бўлган ёш педагогни айнан шу фан мутахасиси бўлган тажрибали ўқитувчига беркитиш кўпроқ самара беради қолаверса устоз-шогирд ишларининг боришга таъсир кўрсатиш имкониятлари метод бирлашмада кўпроқ.

**Малака ошириш ва метод бирлашма ҳамкорлиги.**

Хозирги вақтда таълим соҳасида методбирлашмалар турли босқичда фаолият кўрсатмоқда.

1. Мактаб метод бирлашмалари. Бази мактабларда методик кенгашлар ҳам фаолият кўрсатмоқда улар методик масалаларни муҳокамаси билан шуғулланадилар.

2. Худудий метод бирлашмалар. Қишлоқ, туман худудидаги бир неча ўзаро яқин мактаблар шохоб методбирлашма, худудий метод бирлашмага бирлашадилар. Метод бирлашмага раҳбарлик қайси мактабда тажрибали ташкилотчи ўқитувчи бўлса, шароитга қараб шу мактабга белгиланади.

Табиийки худудий метод бирлашмалар иш туман методика хоналари диққат марказида бўлади ва тегишли моддий манавий кўмак беради. Метод бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли услубий ёрдам бериш мақсадида методика хонаси қошида барча мактаблар метод бирлашмалари, худудий метод бирлашмалар раҳбарлари аъзо бўлиб кирган методик уюшма ҳам яхши самара беради чунки метод бирлашма йиғилишларида турли лавозимдаги ўқитувчилар қатнашса мавжуд муаммоларни ечимлари ҳам топилади.

Малака ошириш институтлари кафедралари таянч мактаблардаги фан методика бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш йўллари ахтармоқдалар.

Профессор ўқитувчилар жойларда метод бирлашмалар иши билан танишиб тегишли маслаҳатлар беришади. Шунингдек фан ўқитувчиларини фикр мулохазалари ўрганилиб, институт фаолиятига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан малака ошириш курсларида педтехнологияларни жорий қилиш лойиҳалари. Рейтинг тизими компютерларидан фойдаланиш тажрибаси, география фани ўқув режасини тузиш, глобал таълим масалалари юзасидан марузаларга янги мазмун бахш этмоқдалар.

Ўқитувчиларни фикр мулохазалари ўрганиб, мақсадли курслар ташкил этиляпти.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки МОИ ва методбирлашмалар ҳамкорлиги таълим соҳасида долзарб масалаларни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Айниқса сентябр ойидан бошлаб МОКлар амалиёт кунларини киритиши метод бирлашмаларни масулиятини яънада оширади. Бунда тингловчини ижодий ишига рейтинг бали қуйилиши самарасини ўрганмоқ лозим.

Хулоса қилиб айтганда метод бирлашмалар долзарб муаммоларни хужжатларни, методик янгиликларни, фармонлар ва қарорларни ўрганиш маркази бўлиб хизмат қилади.

Матбуотда эълон қилинган йўриқномалар, метод бирлашмада кўриб чиқилади, муҳокама қилинади тегишли хулосалар чиқарилади. Белгиланган тадбирлар ўтказиш ўзаро келишиб олинади.

Мақтаб методбирлашмаларини йиллик намунавий режаси (ярим йиллик)

#### Август

1. Ўқитувчиларни август методбирлашмаларига тайёргарлиги  
Маъсул: фан ўқитувчилар
2. Фан хонасини янги ўқув йилига тайёрлаш.  
Маъсул: фан ўқитувчилар
3. Матбуот услубий янгиликлари билан танишиш ва муҳокама қилиш.  
Маъсул: фан ўқитувчилар
4. Навбатдагилар.

#### Сентябр

1. Янги ўқув йили режасини тузиш ва муҳокама қилиш.

Маъсул: Методбирлашма раҳбари,  
илмий бўлим мудири.

2. Методбирлашма иш режасини тузиш.

А. ижодий иш мавзуларини танлаш

В. очиқ дарслар режасини тузиш.

С. янги дарсликлар билан танишиш ва муҳокама қилиш.

Маъсул: фан ўқитувчилар методбирлашма раҳбарлари.

3. Навбатдагилар.

#### Октябр

1. \_\_\_\_\_ синфида \_\_\_\_\_ фанидан очиқ дарс ва уни тахлили.  
Маъсул: \_\_\_\_\_ фан ўқитувчиси \_\_\_\_\_ нинг

2. Ижодий марузасини тинглаш.

Маъсул \_\_\_\_\_

3. Фанларда М.С.НИларига тайёргарлик ва ўтказиш.

Маъсул \_\_\_\_\_

4. Навбатдагилар.

#### Ноябр

1. Синфларда чорак МСНИ лар ўтказиш ва уни тахлили ЧХРБ чиқариш масаласи.

Маъсул \_\_\_\_\_

2. Мактаб олимпиадаларини ўтказиш ва туман шаҳар олимпиадаларига тайёргарлик.

Маъсул \_\_\_\_\_

3. Ижодий марузаларни тинглаш очик дарслар тахлили.

Маъсул \_\_\_\_\_

4. Навбатдагилар.

Декабр

1. Туман, шаҳар олимпиадаси якунлари, вилоят олимпиадасига тайёргарлик.

2. очик дарс тахлили, ижодий марузани тинглаш.

3. матбуотда чоп этилган фан янгиликлари мухокамаси.

4. Малака ошириш курсида иштирок этган ўқитувчи хисоботи.

5. Навбатдагилар.

Мактаб методбирлашмаларида инновацион услубда мухокама қилишга тавсия этиладиган муаммоли мавзулар.

1. Мактаб ўқувчиларини билим олиш масулиятини шакллантириш услублари.

2. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялаш масалалари.

3. Ўқитувчи махоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўқувчиларга юқори билим бериш масалалари.

4. Замонавий география дарсини қандай тушунасиз?

5. Замонавий илғор тажриба нима?

6. Аълочи ўқувчи қиёфаси ўрнига рейтинги баланд ўқувчи қиёфасини қандай шакллантирамыз?

7. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш масалалари.

8. Худудий фикрлашдан глобал фикрлашга ўтиш масаласи.

9. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ўзгартириш нима?

10. Таълимни либераллаш ва миллий тарбия уйғунлиги.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Малака оширишнинг назарий ва методик асослари. Ж. И. Ёлдошев 1998 йил

2. «Маърифат» 2006 йил 22 апрел методбирлашмалар фаолияти ва қандай ташкил этилади. Э. Нарбоев.



**3. «Маърифат» 2006 йил 29 март ҳамкорлик педагогикаси Назария ва амалий  
Мухамедов профессор Қувватов, Исянов, доцент**

**4. Ўқитувчилар август кенгаши материаллари 2006 йил**